

«КОНЦЕПТ» АТАМАСИНИНГ МАЗМУНИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАГА ДОИР

УМИДА СУВОНОВА

Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти,
Ўзбекистон

Мундарижа

- | |
|---|
| I. Кириш |
| II. Концепт фанда тадқиқот объекти сифатида |
| III. Концепт – тафаккур бирлиги сифатида |
| IV. Хулоса |
| V. Адабиётлар рўйхати |
| Abstract |

I. Кириш

“Инсон омили”нинг амал қилиши халқ маданияти, дини, тили ва анъаналарига таъсирни тадқиқ этиш билан боғлиқ. Миллий маданиятни ўрганиш тегишли этнос воқеликни қандай идрок этишини, яъни этносга хос бўлган дунёнинг концептуал манзараси хусусиятларини, шунингдек лексик тизим хусусиятини аниқлашга ёрдам беради.

Кўрсатилган муаммонинг турли жиҳатлари Ю.Д.Апресян, Н.Д.Арутюнова, Р.А.Брутян, Т.В.Булигина, Г.Ф.Гачев, Т.А.Гридина, Г.В.Колшанский, В.И.Кононенко, Е.С.Кубрякова, Л.А.Лисиченко, Л.Н.Пелепейченко, Ж.П.Соколовская сингари ва бошқа муаллифларнинг ишларида у ёки бу даражада таҳлил қилинган.

“Инсон омили”нинг тилга таъсири тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиш учун инсон дунёқараши, ҳис-туйғулари, эмоциялари, кайфияти, одамлар ўртасидаги муносабатлар тил лексик тизимида ва муайян нутқ вазиятларида

қандай акс этишини теран тадқиқ этиш зарур. Мазкур ахборот тилда қандай қайд этилади, деган масала ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Концептлар – ҳозирги замон лингвистикасининг айниқса кенг тарқалган ва жуда кам таъриф берилган атамаларидан бири. У тилшуносликнинг антропоцентрик парадигмаси ва когнитив-прагматик методология билан боғлиқ бўлиб, шахснинг матнларда акс эттирилган дунёқараши, интеллектуал ва руҳий фазилатларини ифодалаш учун “дискурс”, “дунёнинг манзараси” сингари ва бошқа тушунчалар билан бирга ишлатилади.

“Концепт” атамаси Т. Гоббс, П.Абеляр, У.Оккам ва бошқалар асос солган ўрта асрлар концептуализми даврига тегишли. Ҳозирги дунёда мазкур атама қайта тикланди ва яна долзарб аҳамият касб этди. “Концепт” атамаси чет эллик муаллифларнинг ишларида уни тўғри таржима қилиш муаммоси юзага келганда инглиззабон адабиётлардан ўзлаштирилган. Шундан кейин инглизча “concept”ни “тушунча” деб таржима қилиш таклиф қилинган.

Ҳозирги замон лингвистикасида “концепт” атамаси дунё ҳақидаги билимларни когнитив семантика нуқтаи назаридан акс эттириш шаклларида бирининг ифодаси сифатида ишлатилади. Аммо лингвистика фанида дунё ҳақидаги билимларни акс эттирадиган атаманинг турли хил талқинлари тўқнашди.

II. Концепт фанда тадқиқот объекти сифатида

Дунёнинг инсон онгида акс этган образи тилда ўз ифодасини топади. Дунё манзарасининг тил билан алоқаси идеалнинг моддий билан ўзаро нисбати сифатида намоён бўлади, бунда ифодаланадиган маънолар “нуқтаи назарларнинг муайян ягона тизимига, ўзига хос жамоавий фалсафага жамланади ва уни ўзлаштириш тил эгаларининг барчаси учун мажбурий деб қаралади”¹. Шу туфайли ҳам дунёнинг тилдаги манзарасини умуман дунё

¹ Попова З.Д. Язык и национальная картина мира. – Воронеж, 2002. С. 16.

манзарасининг қирраларидан бири сифатида тавсифлаш одат тусини олган². Дунёнинг тилдаги манзараси деганда, унинг тузилиши ҳақидаги билимлар, маълумотлар ва мулоҳазаларнинг тил тузилмаларида яшириниб ётган йиғиндиси тушунилади.

Олимлар дунёнинг манзараси сингари, дунёнинг тилдаги образи ҳам халқнинг миллий-маданий хусусиятларини акс эттиришини қайд этадилар. Дунёнинг тилдаги манзараси – бу нарсалар, ҳодисалар ва белгиларнинг миллий-маданий аҳамияти билан боғлиқ бўлган, халқ ҳаётининг хусусиятлари билан белгиланган ва, бинобарин, мазкур этнос томонидан уларга берилган баҳони ўз ичига оладиган дунёнинг алоҳида шакл-шамойили эканлиги қайд этилади. Дунёнинг концептуал манзараси тушунчаси билан халқ маданияти, адабиёти ва халқ оғзаки ижодининг хусусиятларини ўзида акс эттирадиган концептосфера тушунчаси узвий боғлиқ³.

Миллий концептосфера⁴ – бу халқ онгидаги категориялаштирилган, ишлов берилган, стандартлаштирилган концептлар йиғиндисидир.

Ҳозирги замон лингвистикасида кузатилаётган фанларнинг гуманитаризациялашуви ва интеграциялашуви умумий жараёнлари нуқтаи назаридан тилнинг одамлар билиш фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятини, шунингдек унинг жамиятда амал қилиши хусусиятларини ўрганиш улкан аҳамият касб этади. Шу муносабат билан илмий адабиётларда “концепт” атамаси кенг тарқалган. Аммо олимларнинг асарларида мазкур атаманинг умумэтироф этилган, ягона таърифи мавжуд эмас.

“Концепт” атамасининг ривожланиш жараёнига назар ташласак, корейс тилидаги луғатлар ва қомусларнинг аксариятида мазкур лексема мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин. Бу сўз корейс адабиёти классикларининг асарларида ҳам, сўнгги йилларда нашр этилган бадиий адабиётларда ҳам учрамайди. Илмий адабиётларда “концепт” атамаси 1920-йиллардан

² Попова З.Д. Язык и национальная картина мира. – Воронеж, 2002. – С. 16.

³ Карасик В.И. Лингвокультурный концепт как единица исследования. – Воронеж: ВГУ, 2001. – С. 75.

⁴ Каранг: Ўша ерда. – С. 12.

этиборан фаол ишлатила бошлаган, бунда у аксарият ҳолларда “тушунча” атамасининг тўлиқ синоними сифатида ишлатилади.

“Концепт” атамаси илк бор Г.Г.Шпетнинг “Эстетик фрагментлар” (1924) асарида ва бошқа шунга ўхшаш ишларда кўриб чиқилган. Бу ерда “концепт” сўзи ўрнига “синоним” тушунчасини ишлатиш қийин бўлган ўзига хос бирлик сифатида намоён бўлади: “Фақат оқилона идрок этиш йўли билан жонлантириладиган статик концептдан фарқли равишда, образ оқилона тушунишдан катъи назар, ўз-ўзича ҳаракатчандир (хатто у “ақлга мувофик эмас” ва “тушунарсиз” бўлса ҳам)”.

80-йиллардан этиборан аксарият тадқиқотчилар “концепт” атамаси яқин лингвистик категориялар орасида мустақил маънони англатишини тушуна бошлайдилар⁵. Концепт “тушунча” атамасига таянган ҳолда ўзининг ишлатилиши доирасини фаол кенгайтира бошлайди. “XX аср охири – XXI аср бошида илмий ва бадиий адабиётларда “концепт” атамасини ишлатиш расм бўлгани инсон ҳаётидаги биз кундалик ҳаётда кўп дуч келадиган, аммо “асл” (априор) мазмуни ҳақида ўйлаб кўрмайдиган моҳиятларни реконструкция қилишга қизиқиш кучайганини кўрсатади. Маълум бўлишича, тушунчалар ҳақида “келишиш” имконияти доим ҳам мавжуд бўлавермас экан: баъзан одатдаги маънолар ёки концептларни реконструкция қилиш ва шаклланган тасаввурлар, эски концептлар асосида, уларни бузмасдан, янги тушунчаларни яратишга ҳаракат қилиш яхши самара беради”⁶.

Лингвистика фанида “концепт” атамасидан фойдаланиш билан боғлиқ икки тенденция мавжуд. Биринчи йўналиш доирасида иш кўрадиган олимлар ўз олдида “концепт” атамасига таъриф бериш вазифасини қўймайдилар ва ундан “тушунча” сўзининг синоними сифатида фойдаланадилар. Иккинчи тенденция тарафдори бўлган тадқиқотчиларнинг ишларига ўхшаш бирликлар билан бир қаторда “концепт” атамасига таъриф бериш муаммосини назарий

⁵ Фрумкина Р.М. Концепт, категория, прототип // Лингвистическая и экстралингвистическая семантика. – М., 1992; Михальчук И.П. Концептуальные модели в семантической реконструкции // ИАН СЛЯ, 1997. Т.56. № 4.

⁶ Демьянков В.З. Термин «концепт» как элемент терминологической культуры // Вопросы филологии, 2001, № 1. – С.45.

жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш хос. Аммо мазкур ҳодисанинг табиати ва мазмуни ҳақида умумэътироф этилган, ягона нуктаи назар ҳали-хануз мавжуд эмас.

Ҳозирги вақтда тадқиқотчилар томонидан концептлар сифатида таърифланадиган бирликларни ўрганиш ва тавсифлашга нисбатан тўрт асосий ёндашув шаклланган: мантикий (мантикий-фалсафий), лингво-культурологик, когнитив, психолингвистик⁷. Мазкур ёндашувлар ташқи ва ички дунё ҳақида ахборот олиш, унга ишлов бериш, уни сақлаш, жамғариш ва узатиш жараёнида инсон фаолиятини тадқиқ этадиган кўп сонли илмий фанларнинг ўзаро алоқаси натижасида вужудга келган.

Концепт атамасининг мазмунида маданий компонент биз учун айниқса муҳимдир. Тадқиқотчилар фикрига кўра, айнан асосий маънавий-ахлоқий категориялар, фалсафий ва маданий-эстетик тушунчаларни ифодаладиган энг муҳим концептлар орқали инсон маданиятни англаб етади. Концептнинг миллий-маданий ўзига хослиги кўпгина тадқиқотчиларнинг ишларида қайд этилган⁸.

Концепт – “инсон тафаккуридаги маданият қатлами; маданият инсоннинг ментал оламига концепт кўринишида киради ва ундан ўрин олади. Бошқа томондан олиб қараганда, концепт воситасида инсон – “маданий бойликлар бунёдкори” бўлмаган оддий одамнинг ўзи маданиятга киради, айрим ҳолларда эса унга таъсир ҳам кўрсатади”⁹. Шундай қилиб, концепт халқ маданияти ва менталитети билан боғлиқ, шу сабабли у мураккаб тузилишга эга, тушунча билан боғлиқ барча ҳодисаларнигина эмас, балки бошланғич шакл (этимология)ни; мазмуннинг асосий белгиларигача ихчамлаштирилган тарихни; замонавий ассоциацияларни; берилган баҳоларни ҳам ўз ичига олади.

Биз учун муҳими шундаки, концепт тил ва маданият бирлиги, уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири сифатида қаралади. Ҳар бир тилда

⁷ Попова З.Д. Когнитивная лингвистика. – М., 2007. – С. 167.

⁸ Бабаева, 1997; Бабушкин, 1996; Лихачев, 1993; Ляпин, 1997; Попова, Стернин, 2001; Степанов, 2001 ва бошқалар.

⁹ Попова З.Д. Когнитивная лингвистика. – М., 2007. – С. 43.

миллий концептлар ва бошқа тилларда мавжуд бўлган, аммо ҳар хил маънони англатадиган концептлар бор.

III. Концепт – тафаккур бирлиги сифатида

Ҳамонки концепт маданият бирлиги экан, у қадрият унсурини ҳам ўз ичига олиши лозим, зеро у бошқа бирликлардан айнан таркибида қадрият унсурининг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Концепт тадқиқот объектининг уни ўрганиш мақсадида яратилган модели сифатида қаралиши мумкин. Концептлар йиғиндисининг тавсифи қадриятлар тизимини моделлаштириш учун имконият яратади. Концептни яратиш учун асос бўлиб фақат реал воқеликнинг баҳолаш объектига айланадиган ҳодисаси хизмат қилади. Ахир объектни баҳолаш учун инсон уни идрок этиши, ҳис қилиши лозим, ҳис этиш ва баҳолаш вақти эса маданиятни ташувчининг тафаккурида концептнинг ҳосил бўлиш вақти ҳисобланади.

Шунингдек концепт таркибига мазмун ва образ элементлари ҳам киради. Мазмун элементи амалда мавжуд ёки тасаввур қилинаётган объект ҳақидаги фактик ахборот ёрдамида шакллантирилади.

Концептнинг образ элементи воқеликни англаб етиш усули билан боғлиқ. Бунга тилда мустаҳкамланган барча содда тасаввурлар; сўзнинг концептни ифодалашга хизмат қиладиган ички шакллари киради.

Концептнинг баъзи бир хоссалари фарқланади:

- 1) концепт нарсалар ва ҳодисаларнинг бир-бири билан ўзаро алоқасини белгилайдиган ментал репрезентация сифатида;
- 2) концепт идеал образ сифатида;
- 3) концепт албатта сўз билан ифодаланади.

Г.С.Слишкин фикрига кўра, онг тажрибани шакллантиради ¹⁰ . Концептлар ҳам шахснинг индивидуал онгида, ҳам гуруҳнинг жамоавий онгида мавжуд бўлиши мумкин. Улар тафаккур ва инсон тажрибаси акс эттирадиган ахборот структурасининг бирликлари ҳисобланади. Тафаккур ва тажриба ҳам жамоавий, ҳам индивидуал бўлиши мумкин. Бинобарин, индивидуал ва жамоавий концептлар мавжудлиги тўғрисида сўз юритиш мумкин, жамоавий концептлар эса, ўз навбатида, микрогруппавий, макрогруппавий, миллий, умуминсоний бўлади.

Аммо индивидуал концептлар жамоавий концептлар билан таққослаганда янада бой ва ранг-барангдир, чунки “жамоавий онг ва тажриба жамоага кирувчи айрим индивидлар онги ва тажрибасининг шартли ҳосиласидир”¹¹. Мазкур ҳосила шахсий тажрибада қисқартириш йўли билан яратилади, индивидуал концептлар эса кўп сонли элементларни ўз ичига олиши мумкин.

Шунингдек жамоавий концептлар ҳам диққатга сазовор, чунки айнан улар жамоавий онгда умумий билимларни (образлар, эътиқодлар, фаразлар, умидлар ва шу кабиларни) шакллантиради.

Концептлар ва тил бирлигининг ўзаро алоқаси тўғрисидаги масала концептологиянинг муҳим масаласидир. Сўз ва концепт ифодалаш умумий мезонига эга бўлиб, концепт – бу сўз ва сўз эмас, деган фикрни яратади. Халқ маданиятининг айрим сўзлари-концептлари тавсифи айти шу маданият концептлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тадқиқ этилаётган сўзнинг бошқа сўз билан нисбатини тавсифлаш орқали биз ўзимизни қизиқтираётган сўз мазмунига берилган изоҳни оламиз. У.А. Вежбицкая¹² “сўз” ва “концепт” атамаларини ўриндош атамалар деб ҳисоблайди. А.С. Аскольдов¹³ фикрига кўра эса, “концепт” атамасининг маъноси “сўз” атамасининг маъноси билан мос келади.

¹⁰ Слишкин Г.Г. От текста к символу: лингвокультурные концепты в сознании и дискурсе. – М., 2000. – С.10.

¹¹ Ўша ерда. – С.16.

¹² Вежбицкая У.А. Язык. Культура. Познание. – М., 1996.

¹³ Аскольдов А.С. Концепт и слово. От теории к структуре текста. Антология. – М., 1980.

С.Х. Ляпин¹⁴ фикрига кўра, концепт бирон-бир белги – илмий атама, кундалик муомала сўзи ёки сўз бирикмасининг маъносида мустаҳкамланган тушунчага таянади. Бу ерда муаллиф концептни лексик-грамматик структура доираси билан чекламайди, хусусан, ҳар бир концептга муайян лексик бирлик мос келиши шарт бўлмайди. Бундай вазият юзага келиши мумкин эмас, чунки маъно ва сўз ўртасида мос келмасликлар мавжуд. Масалан, корейс тилида бир сўз – « » билан ўзбекча икки сўз – “кўк” ва “мовий” мос келади, аммо бу корейслар мазкур рангларни фарқлай олмайдилар, деган маънони англатмайди.

IV. Хулоса

Коммуникация жараёнида концепт воситалари сифатида асосан тил белгилари хизмат қилади. Концептни янада умумий тарзда ифодалаши мумкин бўлган тил бирликлари ҳам мавжуд. Бундай бирликлар концепт номи ҳисобланади. Ҳар қандай концепт турли белгили шаклда амалга ошириш қобилияти билан тавсифланади. Г.Г.Слишкин таъбири билан айтганда, “концептнинг белгидаги ифодаси потенциали қанча ранг-баранг бўлса, мазкур концепт шунча кўҳна ҳисобланади ва тил жамоаси доирасида унинг қадрият сифатидаги аҳамияти шунча катта бўлади”¹⁵. Концепт ўз мавжудлиги жараёнида тил бирликлари билан алоқани йўқотиши, аммо янги бирликларни ўзига жалб қилиши мумкин.

Шундай қилиб, концепт – бу маданият, тафаккур ва тил соҳасидаги илмий нуқтаи назарларни бирлаштирадиган бирлик. Концептлар жамоавий тил тафаккурида муҳим ўрин эгаллайди, шу сабабли уларни тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

¹⁴Ляпин С.Х. Концептология к становлению подхода. – Архангельск, 1997. Вып. 1. – С. 18.

¹⁵Слышкин Г.Г. От текста к символу: лингвокультурные концепты в сознании и дискурсе. – М., 2000. – С. 28.

1. Аскольдов А.С. Концепт и слово. От теории к структуре текста. Антология. – М., 1980.
2. Вежбицкая У.А. Язык. Культура. Познание. – М., 1996.
3. Демьянков В.З. Термин «концепт» как элемент терминологической культуры//Вопросы филологии, 2001, № 1.
4. Карасик В.И. Лингвокультурный концепт как единица исследования. – Воронеж: ВГУ, 2001.
5. Ляпин С.Х. Концептология к становлению подхода. – Архангельск, 1997. Вып. 1.
6. Михальчук И.П. Концептуальные модели в семантической реконструкции//ИАН СЛЯ, 1997, Т.56, № 4.
7. Попова З.Д. Когнитивная лингвистика. – М., 2007.
8. Попова З.Д. Язык и национальная картина мира. – Воронеж, 2002.
9. Слышкин Г. Г. От текста к символу: лингвокультурные концепты в сознании и дискурсе. – М., 2000.
10. Фрумкина Р.М. Концепт, категория, прототип//Лингвистическая и экстралингвистическая семантика. – М., 1992.

Abstract

THE QUESTION ABOUT THE MEANING OF THE TERM ‘CONCEPT’

Umida SUVONOVA

Tashkent State Institute of Oriental studies, Uzbekistan

The article considers the definition of the term “concept” and its meaning, also describes the history of this term and its popularity in modern linguistics.

There are a lot of definitions of the term “concept”, but there is no common one to nowadays. “Concept” is the most popular term not only in linguistic. Linguists pay a great attention to individual and collective concepts. All definitions of the term “concept” are not of different points of view, they are a totality to the “concept” study.

Key words: concept, conceptualism, notion, meaning, individual and collective concept, concept name.